

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ҒОЯЛАР ТАШАББУСКОРИ



С.Давлетов, УрДУ Ёшлар масалалари ва маънавий маърифий ишлар бўйича проректори, тарих фанлари доктори.

Ҳозирги даврда халқаро алоқалар ривожига муҳим тенденцияси минтақавий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни тобора ўсиб бораётганлигидир. Буни Марказий Осиё минтақасида яққол кўриш мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ғоя ва ташаббуслари ривожланишнинг янги босқичига замин бўлмоқда. Бу ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган ташқи сиёсатдаги Ўзбекистон позициясининг қатъийлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15-16 июль кунлари “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияга мезмонлик қилиши – мамлакатимизни минтақада йирик геосиёсий тадбир ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида намоён этиб, замонавий халқаро муносабатларда муҳим сиёсий воқеялик бўлди, дейиш мумкин. Бу борада бир қатор эътиборга молик жиҳатларига тўхталиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, ушбу конференция нуфузли халқаро тадбир сифатида ўз вақтида бўлиб ўтди ҳамда ўта муҳим ва энг долзарб глобал масалалар юзасидан ечимлар изланилди. Унда Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг ташқи ишлар вазирлари, 44 та мамлакат ва 30 га яқин халқаро ташкилот делегациялари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этгани унинг юқори нуфузини билдиради.

Конференциянинг ялпи ва шўъба мажлисларида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий боғлиқликни янада мустаҳкамлашга қаратилган имконият ва ташаббуслар муҳокама қилингани, “Барқарор тараққиёт мақсадлари”га эришишда масалаларида муҳим роль ўйнайди.

Мутахассислар фикрича, мазкур конференция нафақат Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари, балки, Осиёнинг бошқа минтақалари, Африка, Араб давлатларини ҳам интеграциясига пойдевор бўлади. Яъни Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон орқали Россия, Кавказ, Шарқий Европа мамлакатларига ўтадиган йўл сифатида янги “Буюк ипак йўли”ни шакллантиришга хизмат қилади. Энг муҳими ушбу конференция орқали “ўзбек халқи барча мамлакатларни бирлаштириб, тинчликни сақлаш бўйича янги стратегияни ишлаб чиқишда муҳим қадамни қўйди”, дея эътироф этилмоқда.

Зеро, “Марказий ва Жанубий Осиё” ўзаро стратегик боғлиқлик моделини ҳар томонлама муҳокама қилиш учун зарур платформани шакллантиришга йўналтирилган ушбу анжуман минтақавий хавфсизликни таъминлашга, давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иккинчидан. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро конференцияда нутқ сўзлаши улкан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Унда ҳурматли Президентимиз Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий яқинлик, уни бугунги кунда ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Хусусан, “Бугун дунё ҳам

тахдидлар, ҳам янги имкониятларни ўзида тутган глобал геосиёсий трансформациялар даврига қадам босди. Бундай шароитда 2 миллиарддан зиёд одам яшаётган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқаларнинг қайта тикланиши янада муҳим ва объектив жараёнга айланиб бормоқда”, – дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, тарихдан маълумки, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб келган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу икки минтақа узоқ асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқотга хизмат қилган. Буюк ипак йўли орқали маҳсулотлар, билим, ҳунар ва кадриятлар тарқалган. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичларида бу минтақалар умумий давлатчилик тузилмалари таркибида ҳам бўлган. Юнон-Бақтрия, Кушон империяси, Турк ҳоконлиги, Ғазнавийлар, Темурийлар ва Бобурийлар давлати бунга яққол мисолдир. Афсуски, тарихий вазият тақозоси билан ўн тўққизинчи асрда икки қўшни минтақанинг алоқалари узилиб қолди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тарихий алоқаларни тиклаш муҳимлигини, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш фурсати келганини бежизга таъкидламади. Бу борада иқтисодиёт, хавфсизлик, илм-фан, сайёҳлик масалаларига оид 10 дан ортик таклифларни илгари сурганлиги эътиборга лойиқ.

Учинчи жиҳат, конференция арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти очилди. Президентимиз мазкур таҳлил маркази негизида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган экспертлар гуруҳи тузишни таклиф этди. Мазкур институтнинг очилиши сўнгги йилларда Марказий Осиёда минтақавий ва иқтисодий жараёнларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Марказий Осиё халқаро институтини ташкил этилишининг муҳим амалий аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган ҳар қандай масалага ҳам илмий, ҳам амалий ечим топишга хизмат қилади.

Иккинчидан, минтақа манфаатларига хизмат қилувчи ҳамда Марказий Осиёнинг экспертлар ҳамжамиятини бирлаштирувчи ягона платформани ҳам юзага келтиради ҳамда минтақавий ҳамкорлик истикболларини экспертлар даражасида батафсил муҳокама қилиш учун имконият яратади.

Учинчидан, бу институт Марказий Осиё минтақаси давлатларидаги тадқиқот марказлари ўртасида яқин халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, кенг қамровли минтақавий шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, Ўзбекистон Республикаси Президенти халқаро конференцияда иштирок этган хорижий мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва конференция кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Умуман олганда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция Марказий Осиёдаги масалаларни тизимли ечишдаги янги формат бўлиб, минтақамизнинг барқарор тараққиётига йирик салоҳиятли давлатларни, нуфузли ташкилотларни жалб қилишга хизмат қилади. Бу жараёнлар эса **мамлакатимизни нафақат минтақамизда, балки замонавий халқаро муносабатларда янги ғоялар новаторига айланаётганини** кўрсатади.